

Таъмирлаш ишларини амалга ошириш буйича

ШАРТНОМА № 2

2022- йил «31» январ

Олтиарик шаҳри

Икки томонлама хўжалик муносабатларини ифодаловчи мазкур шартнома Ўзбекистон Республикаси Қонунчилиги ҳамда ўз Низомига асосан фаолият юритувчи **Олтиарик туман Халқ таълим бўлими** номидан раҳбар А. Холбоев (қелгусида «Буюртмачи» деб аталади) биринчи томондан ва ўз Низоми асосида иш юритувчи **“Олтиарик Бунёдкор қурилиш фойз” мчж** (кейинги ўринларда «Пудратчи» деб аталади) номидан раҳбар **К. Рузматов** иккинчи томондан, мазкур шартномани қуйидаги ишларни бажариш учун тузилдилар:

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ.

1.1. «Пудратчи» мазкур шартнома шартларига асосан: Олтиарик туман Халқ таълими бўлими бўлимига қарашли Юлдузча Болалар оромгоҳи биноларини жорий таъмирлаш ишларини лойиха-смета ҳужжатларида назарда тутилган тартибда бажариш мажбуриятини олади, «Буюртмачи» эса бажарилган ишларни белгиланган тартибда қабул қилиб олади.

2. ШАРТНОМА БАХОСИ.

2.1. Мазкур шартнома буйича «Пудратчи» томонидан бажариладиган таъмирлаш ишлари қиймати лойиха-смета ҳужжатларига асосан барча солиқлар, йигимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда жами 330 000 000 (**Уч юз уттиз миллион**) сумни ташкил этади. Бюджет маблағлари ҳисобидан 330000000 (Уч юз уттиз миллион) сумни Қолган 0 сум бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан тулов амалга оширилади.

2.2. Зарурий асослар мавжуд бўлганда «Буюртмачи» ва «Пудратчи»нинг қелишувига асосан мазкур шартномага қўшимча битим расмийлаштирилиши мумкин.

3. ХИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

3.1. «Пудратчи» томонидан таъмирлаш ишлари тулик бажарилгандан сўнг, узаро солиштирув далолатномаларига асосан, бажарилган ишлари қиймати учун «Буюртмачи» пул ўтказиш йули билан туловни амалга оширади.

3.2. «Буюртмачи» олдиндан шартнома умумий суммасини 30 % миқдорида аванс туловини «Пудратчи» ҳисоб рақамига ўтказиб беради. Кейинги ҳисоб-китоблар ҳақиқатда бажарилган ишлар ҳажмига қараб, аванс маблағларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

4. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ ТАРТИБИ ВА МУДДАТЛАРИ.

4.1. «Буюртмачи» томонидан олдиндан тулов амалга оширилган кундан бошлаб 10 кун муддат ичида «Пудратчи» томонидан таъмирлаш ишлари бошланиши шарт. Бажарилиши лозим бўлган ишлар 10 кунга қадар тулик яқунланиши керак.

4.2. «Пудратчи» бажариладиган ишларни амалдаги қурилиш қоидалари ва меъёрлари талабларига мувофиқ бўлишини ва сифатли бажарилишини таъминлайди.

4.3. «Пудратчи» ишларнинг бажарилишини техника ҳавфсизлиги, меҳнат муҳофазаси ва ёнгин ҳавфсизлиги талабларига риоя қилган ҳолда амалга оширади.

5. ТОМОНЛАРНИ ХУКУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ.

5.1. «Пудратчи» мазкур шартномада назарда тутилган таъмирлаш ишларини тулик ҳажмда ва белгиланган муддатларда бажариш мажбуриятини олади.

5.2. «Буюртмачи» таъмирлаш ишлари жараёнида бажарилаётган ишларни лойиха-смета ҳужжатларига мослигини ва сифатини назорат қилиб боради.

5.3. «Буюртмачи» томонидан «Пудратчи»га таъмирлаш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиб берилади ва бажарилган ишлар буйича тузилган Шақл-2 далолатномаларини қабул қилиб олади.

5.4. Бажарилган ишларда камчилик ва нуқсонлар аниқланган тақдирда, «Буюртмачи» томонидан далолатнома расмийлаштирилади ва **10** кун муддатда «Пудратчи»га хабар юборилади. «Пудратчи» томонидан ушбу аниқланган камчилик ва нуқсонлар ўз маблағи ва ўз қучи билан **10** кун давомида бартараф этилади.

6. ЖАРИМАЛАРНИ ҚУЛЛАНИЛИШИ.

6.1. Томонлардан бири шартнома шартларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни тулик қоплайди.

6.2. Агар «Пудратчи» томонидан бажарилиши лозим бўлган таъмирлаш белгиланган муддатларида бошланмаса ва яқунланмаса, «Пудратчи» бажарилмаган ишлар қийматини 0.05% миқдорида ҳар бир муддати ўтган кунга учун «Буюртмачи»га жарима тўлайди, лекин бунда жариманинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар қийматини 50% дан ошмаслиги керак.

6.3. «Пудратчи» томонидан таъмирлаш ишлари белгиланган муддатларда якунлангандан кейин «Буюртмачи» томонидан туловлар уз муддатида амалга оширилмаса туланмаган суммани 0.04% микдорида ҳар бир муддати ўтган кун учун «Пудратчи»га жарима тўлайди, лекин бунда жариманинг умумий суммаси утказиб берилмаган маблағлар суммасини 50% дан ошмаслиги керак.

6.4. Жарималар тўланиши «Сотувчи»ни шартномада белгиланган мажбуриятларини бажаришдан озод этмайди.

7. ФОРС-МАЖОР ХОЛАТЛАРИ.

7.1. Агар ушбу шартнома буйича мажбуриятлар қисман ёки тулик бажарилмаслиги табиат ходисалари, уруш, оммавий тартибсизликлар ва бошқа енгиб белмас куч ҳолатлари натижасида келиб чикса, томонлар жавобгарликдан озод этиладилар.

8. КУШИМЧА ШАРТЛАР.

8.1. Ушбу шартномани бажариш, узгартириш ва уни бекор қилишда пайдо буладиган низолар энг аввало тарафларнинг келишуви билан хал қилинади. Узаро келишилмаса хужалик суди ва Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунлар тартибда хал қилинади.

8.2. Шартнома тарафларнинг узаро келишувига асосан ёки Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига ҳамда амалдаги қонун ҳужжатлари нормаларига биноан келтирилган зарарни тулаган ҳолда муддатидан илгари бекор қилиш мумкин.

8.3. Ушбу шартнома 2022 йил «31» январдан 2022-йил «31» Декабр_гача тузилди. Шартнома икки томонлама имзоланиб, газначилик бошқармаси (булим)да руйхатдан утказилганидан сунг қонуний қучга қиради.

9. ТОМОНЛАРНИ ХУКУКИЙ МАНЗИЛИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ

Томонларнинг юридик манзили ва реквизитлари:

«Пудратчи»

«Буюртмачи»

“Олтиарик Бунёдкор қурилиш Файз”

Олтиарик туман ХТБ булими

Манзил: Фаргона шаҳар Алфаргоний кучаси

Манзил: Олтиарик тумани

Тел./факс

Тел./факс _____

(х/в ёки шҒХ) 20208000500225150001

ШҒХ 100022860302037011503075001

Банк номи Ҳамкор банк Фаргона филиали

Ташкилотнинг СТИРи 200174664

МФО 00965 СТИР 302617280 ИФУТ

ИФУТ(оконх) _____

(оконх)

Ўзбекистон Республикаси Газначилик бўлини маси

ЯҒХ 23 402 000 300 100 001 010

Банк номи: Марказий банкнинг Тошкент шаҳар Бош бошқармаси Ҳисоб-китоб-касса маркази , (ҲККМ)

МФО:00014 Газначилик бўлини масининг

СТИР: 201122919

Раҳбар _____ К.Рузматов

раҳбари _____ А.Холбоев

(таъйин) (Ф.И.О.)

(таъйин) (Ф.И.О.)

(имзо)

(имзо)

Хуқуқшунос
